

ПАРЕМИОЛОГИК БИРЛИКЛАР ХУСУСИДА

Ф. Мажидов¹

Аннотация:

Ушбу мақолада немис тилидаги паремиологик бирликларнинг луғавий ва контекстуал хусусиятлари таҳлил қилинади. Паремиологик бирликларнинг оғзаки ва ёзма нутқдаги қўлланилиши, уларнинг турли имплицит ва эксплицицит шаклларига трансформацияси кўриб чиқилади. Шунингдек, паремиологик бирликларнинг гаплар тузилишидаги синтактик ва стилистик ролини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Нутқ контекстидаги паремиологик бирликлар стилистик жиҳатдан муҳим аҳамият қасб этади ва уларнинг семантик-функционал хилма-хиллиги таъкидланади.

Калим сўзлар: Паремиологик бирлик, фразеология, паремия, паремиошакл, оғзаки нутқ, ёзма нутқ, имплицит, эксплицицит, стилистик бўёқдорлик

doi: <https://doi.org/10.2024/ycsj2y57>

Немис тили паремиографиясида олиб борилган паремиологик бирликлар устидан тадқиқотлар энг аввало унинг иккита тузилмавий хусусиятларни ажратишга имкон беради.

Бир тарафдан, паремиологик бирликларнинг катта қисми нутқ ясаш жараёнига ўз асл (луғавий) ёки контекст жиҳатдан мураккаблаштирилмаган паремиошакли сифатида қўшилса [А.Яхшиев, 2021, б. 19], бошқа тарафдан, турли паремиологик бирликлар имплицит ва эксплицицит шаклидаги трансформацион ўзгаришларга дуч келади [P.R. Lutzeier, 2009, б. 89]. Охирида паремиошаклнинг эллипслашиши (сўзлашув нутқнинг ифодалаш учун хизмат қилган лисоний воситаларни тежашга умумий мойиллигининг намоён этилиши сифатида) ва аксинча, унинг турли контекстуал мураккабликлари (сўзлашув нутқда лисоний ифодалаш воситаларига оид редундантлик ёки ортиқчалик каби қарама-қарши мойилликнинг намоён этилиши сифатида) кузатилади.

Паремиологик бирликлар турли-туман қолип шаклидаги (структур жиҳатдан) ва турғун сўз мажмуалари гап, луқманинг бошланишини қурилишида фаол тарзда ишлатилади. Бу ўзига хос умумий жиҳатлар луқмадаги битта гапнинг бошқа гап билан алоқалари вазифасида барқарор равишда амалга оширилади. Шундай қилиб, луқмадаги гапнинг бошланишида олдинги гапнинг қисқача мазмунини, гапирувчининг баҳосини етказиб берувчи муҳим маънони ўз ичига олган сўз, сўз бирикмаси ёки гапи туриши мумкин. Кейинчалик одатда сұхбат мавзусини тўлдирувчи бирорта қўшимча маълумот

¹ Мажидов Фароҳиддин Насриддин ўғли, СамДЧТИ немис филологияси кафедраси ўқитувчisi

етказиб берилади ёки кенгайтирилган луқманинг якуний умумлаштирилиши содир бўлади.

Паремиологик бирликларнинг турли хил сўзлашув жараёнида турғун формула шаклида луқманинг фразеологик бошланиш вазифасида кенг қўлланилиши кузатилади.

Насрий шаклдаги белгиланган оғзаки ёки ёзма нутқда паремиологик бирликлар идиоматик хусусиятларга ҳамда образли қисми эса етарли даражада ғайриоддий маънодорликка эга. Кўпинча улар абзацнинг бошида ёки охирида синтактик вазифа бажариб келади. Бунда паремиологик бирлик матннинг семантик ва образли ифодаланганилигига стилистик жиҳатдан тус беради.

Шундай қилиб, нутқий контекстда паремиологик материалнинг жойлашганлиги сезиларли даражада унинг стилистик бўёқдорлигини оширади. Бунда паремиологик матн абзацнинг охирида турғун сўзлашув формулалари қаторида фразеологик бирлик сифатида тез-тез ишлатилади. Улар нутқий парчада сухбатдошлар ўртасидаги луқмалар алмашинувидан дарак беради.

Немис тили оғзаки ва ёзма нутқида паремиологик бирликлардан сермаҳсул фойдаланишининг қўйидаги ҳолатлари мавжуд: паремиологик бирликнинг контекст жиҳатдан муракаблаштирилмаган паремиошаклда амалга оширилиши; кўп паремиологик бирликларнинг имплицит ва эксплицит турдаги трансформациян ўзгаришларига мойиллиги; етакчи тузилмавий турларга оид паремиологик бирликларнинг семантик-функционал хусусиятларнинг хилма-хиллиги; паремиологик бирликларнинг гаплар тузилишидаги синтактик фаоллиги (паремиологик бирликнинг ром тузилмаси, эга-кесим негизи, гапнинг бошлангич ва охирги парчаси сифатида фойдаланиш), асосий паремиошаклларнинг ўзгарувчан янгиланишга мойиллиги; кенг стилистик доираси – сўзлашув хусусиятидан оддий нутқҳа хосланганилиги; ҳамда турли-туман модал баҳоловчи тусларнинг ривожланиши; рекуррентликнинг юқори даражаси ҳамда матн ясаш учун кенг имкониятлари.

Хозирги замон немис тили паремиологик бирликларининг нутқда ишлатилишининг коммуникатив-прагматик қонуниятлари буйича олиб борилган таҳлил (немис паремиологик тўпламлари материалида) турли туркумларга оид паремиологик бирликларнинг уларнинг ички (паремиошакл таркибий қисмлари ўртасида) ва ташқи (паремиологик бирликлар ҳамда нутқнинг бошқа лисоний бирликлар ўртасида) валентлик хусусиятларни амалга оширилишига мойиллигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Яхшиев А.А. Немис тили оғзаки нутқи тизимида фразеологик бирликларнинг семантик-дискурсив мақоми. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2021. – 75 б.
- [2]. Lutzeier, Peter Rolf. Lexikologie. – Band 1. – Tübingen: Brigitte Narr, 2009. – VIII, 167 S.